



100004, Тошкент ш., Навоий к., 4,  
Тел: (0-371) 239-16-41, 239-17-81  
Факс: 244-23-98, [www.agro.uz](http://www.agro.uz)  
E-mail: [matbuot@qsxv.uz](mailto:matbuot@qsxv.uz)

4, Navaiy str., Tashkent, 100004  
Tel: (0-371) 239-16-41, 239-17-81  
Fax: 244-23-98, [www.agro.uz](http://www.agro.uz)  
E-mail: [matbuot@qsxv.uz](mailto:matbuot@qsxv.uz)

## ПРЕСС-РЕЛИЗ

Жорий йилнинг 19 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида 16 октябрь – Бутун жаҳон озиқ-овқат куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун “Органик қишлоқ хўжалиги: асосий тушунча ва тамойиллар” мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Тадбирда таъкидландики, она сайёрамиз аҳолиси тобора ўсиб бораётган, глобал иқлим ўзгаришлари туфайли ер шарининг турли минтақаларида кузатилаётган қурғоқчилик, ёғингарчиликларнинг кўпайиши каби табиий офатлар оқибатида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига жиддий путур етаётган ҳозирги шароитда озиқ-овқат таъминотини мустаҳкамлаш дунё мамлакатларининг энг асосий вазифасига айланмоқда.

Маълумотларига қараганда, ҳозирги кунда дунёда 850 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқатланиш имкониятига эга эмас. Бу жаҳон аҳолисининг деярли ҳар саккиз нафаридан бири, демакдир. Бутун дунёда ана шундай мураккаб ҳолат сақланиб қолаётган бир пайтда Ўзбекистон аҳолисининг муҳим кундалик истеъмол товарларига бўлган талабини тўлиқ қондириш баробарида, уларни экспорт қилиш салоҳияти ҳам барқарор равишда ошиб бораётир. Бу, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аграр соҳани барқарор ривожлантириш стратегияси белгиланиб, бу борадаги ислохотларнинг изчил амалга оширилганлиги натижасидир.

Тадбирда атроф-муҳитга зарар келтирадиган кимёвий воситалардан фойдаланмасдан, биологик хилма-хилликни асрайдиган, агроэкотизимнинг санитария ҳолатини яхшилайдиган, тупроқ унумдорлигини оширадиган, инсонлар саломатлигини муҳофаза қиладиган ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ягона тизими органик қишлоқ хўжалиги эканлиги қайд этилди.

Айни пайтда мамлакатимизда аҳолининг озиқ-овқат таъминотини янада мустаҳкамлаш мақсадида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилиб, инсон организми учун фойдали, турли микроэлемент ва витаминларга бой органик (экологик тоза) маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, бугунги кунда мамлакатимизда ФАО билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасида мақбул қишлоқ хўжалиги амалиётини жадаллаштириш ва органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун институционал имкониятларни ошириш” TCR/UZB/3501 лойиҳаси амалиётга изчил татбиқ этилмоқда.

Айни пайтда вазирлик тизимидаги Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш маркази томонидан O'zDSt 3084:2016 “Органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари. Атамалар ва таърифлар” давлат стандарти ишлаб чиқилди. Унда давлат тилидаги 50 дан ортиқ атама ва таърифлар мужассамлаштирилган. Бундан ташқари яқин истиқболда республикаимизда органик қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш бўйича кенг кўламли илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, зарурий қонунчилик базасини яратиш, органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясинини ҳамда “Органик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш, сақлаш ва ташиш тартиби” бўйича давлат стандарти лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Тадбир қатнашчилари эътиборига “Органик қишлоқ хўжалиги: асосий тушунча ва тавсифлар”, “Органик қишлоқ хўжалигини ташкил этишнинг асослари, умумий қоидалари ва усуллари” мавзуларида тайёрланган маърузалар ҳавола этилди.

Тадбирда мамлакатимизда органик қишлоқ хўжалигининг мазмун-моҳиятини тарғиб-ташвиқ қилиш, бундай маҳсулотларнинг аҳамияти ва уларни етиштирувчиларнинг фаолияти билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништириб бориш мақсадида республика оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида “Энг яхши журналистик материал” ижодий танлови эълон қилиниб, унда қатнашиш шартлари бўйича маълумот берилди.

#### ***Кўшимча маълумотлар учун:***

Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш маркази директори ўринбосари О.Соатов, тел.: 241-44-40

Ахборот-таҳлил ва Матбуот хизмати Матбуот котиби: О.Норбеков. тел: 239-17-81

---

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги  
Матбуот хизмати [www.agro.uz](http://www.agro.uz) e-mail:[info@agro.uz](mailto:info@agro.uz) tel: 239 16 41